


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

М. Исҳоқов

Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида

Қадимги Хоразм воҳаси Марказий Осиё минтақасида цивилизацион жараёнларнинг ўзига хос ўчоқларидан бири бўлган. Олиб борилган кўп йиллик археологик тадқиқотлар буни яққол исботлади. Амударё ва Сирдарёнинг дельталари бўйлаб юксак ўтроқ деҳқончилик, шаҳарсозлик ва шаҳарчилик ижтимоий муносабатлари мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярмидаёқ юксак даражада шаклланган эди. Бу ўринда, Сувёрган, Амиробод ва Тозабоғёб тарихий-маданий босқичларининг бевосита давомига Хуросондан Жанубий Хоразм орқали келиб қўшилган хорасмийлар миграциясининг пассионар таъсирини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, мил.авв. II минг йиллик охири – I минг йилликнинг 1-чораги давомида Хоразм воҳасининг тарихий тақдирида катта роль ўйнаган, воҳа номининг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлган ушбу ҳодисани чуқур таҳлил этиб, илмий асосланган хулосалар ҳалигача чиқарилган эмас. Бу масалада илмий далил ва исботли гаплардан кўра, кўпроқ И. Маркварт (1864–1930) томонидан юнон манбаларидаги “хорасмийлар Парфия билан Марғиёна орасида яшаганлар” [25: 9–10] деган хабарга таянилган. Унга кўра, “Катта Хоразм” шартли тушунчасига юзаки ёндашиш ва бу орқали Хоразм етакчилигида улкан, ҳатто, Кангҳани (Кангюйни) ҳам бирлаштирган (С.П. Толстов ва унинг издошлари) [13: 40–41], жанубда Элбрус, Паропамис, Сафедкўҳ тоғлари ва Хуросонгача туташ конфедерация бўлганлиги ҳақидаги даъволар бот-бот учраб туради [16: 19–25]. Ўз навбатида, бу масала махсус тадқиқотларни талаб қилади. Айниқса, ҳозирги Хоразм олимчилик анъанасига оид кўплаб илмий-оммабоп нашрларда “Катта Хоразм” тушунчаси маҳаллий ғурур манбаи сифатида кенг тарқалиб кетган. Бу масалага муайян ойдинлик киритиш йўлидаги илмий фикрлар ҳам эътиборга лойиқ [17: 30–44].

Хоразм воҳасидаги цивилизациянинг тарихий моҳияти, вужудга келиши ва ривожининг бош омили буюк Амударё билан боғлиқ экани Абу Райҳон Беруний томонидан қайд этилган [1]. Бунда Сирдарёнинг ҳам

ролини албатта эътироф этиш керак. Чунки миллион йиллар давомида бу икки дарёнинг бир-бири билан туташ тармоқлари бўлган ва қуйи оқимларида пайдо бўлган юксак маданият ўчоғида ҳар икковининг ҳам ҳиссаси тенг бўлган, десак хато бўлмайди.

Икки буюк дарёнинг, айниқса, Амударё ўзанларининг беқарорлиги воҳада суғорма деҳқончиликни ташкил қилишда жиддий қийинчиликларни юзага келтирар эди. Шу сабабли, сув таъминоти масаласида воҳа аҳолисининг ижтимоий уюшқоқлиги ва бунинг маъмурий бошқарувда алоҳида эътиборда тутилгани диққатга лойиқ. Бундан муҳим хулоса томон бир қадам қолади, яъни Хоразм воҳасида давлатчилик, бошқарув функцияларининг турли механизмлари анча барвақт пайдо бўлган.

Маълумки, ижтимоий, сиёсий бошқарув, бошқача айтсак, давлатчиликнинг асосий функцияларидан бири ҳуқуқий ва меъёрий муносабатлардир. Буни эса ёзувсиз тасаввур этиш қийин. Шу муносабат билан Хоразм тарихига назар солсак, бу воҳада ёзувнинг яратилишига оид илк маълумотлар С.П.Толстов (1907–1976)нинг “Қадимги Хоразм” асарида келтирилгани, лекин ўқилиши ҳақида фикр айтилмаган битикларни эслаш ўринли [13: 71–76]. Масалан, Султон Вайс тоғининг ғарбий ёнбағри бўйлаб борган Амударёнинг қадимги ўзанларидан бирининг ёқасида жойлашган Чилпиқ номли ёдгорлик бор. У 1940 йилда С.П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология ва этнография экспедицияси томонидан ўрганилган. Чилпиқ табиий чўққи устига доиравий тарх асосида пахсадан қурилган девор билан ўралган очиқ ҳовли. Унда яшаш учун мўлжалланган қурилмалар йўқ. Ёдгорлик саҳни ўртасида табиий қоя бўлиб, унинг сирти турли-туман ўйма ва чизма белгилар билан қопланган. Шу хусусияти туфайли Чилпиқ ҳақида зардуштийлик анъанасига кўра, майитларни этдан поклаш учун очиқ ҳолда қўйиладиган дахма, деб тахмин қилинган [13: 71]. Қоя сиртидаги чизгилар бир қарашда бетартиб, тасодифий чизиқлар, уларнинг турлича комбинацияларига ўхшайди. Масалан, Х кўринишидаги белгидан тўрттасини санаш мумкин. Лекин уларнинг иккитаси тик, биттаси ёнбошга ётиқ, биттаси тик ва горизонтал чизиқ кесишмаси шаклида. Чилпиқ яқинидаги Қоратўба номли чўққида мазкур шакллар билан бир қаторда мураккаб чизмалар тўпи ҳам топилган. Бунда ромб, трапеция, ўткир қиррали бурчак чап томонга соат милининг 11 га тўғри келувчи параллел чизиқлар кетма-кетлиги, ўнг томонга соат милининг 1 рақами қиялигида ўтган икки чизиқнинг пастки учи бир-бирига тиркалган учбурчак ва ромб шаклларининг ичидан ўтган. Қуйироқдан кўндаланг тўлқинсимон қалин чизиқ ўтган. Ундан қуйироқда икки қатор катак, бирида катак сони ўнта, иккинчисида – ўн битта. Катаклар қаторининг икки боши ўнг томонга қия икки чизиқ билан беркитилган. Чапдаги қия чизиқнинг пастки учи олдидан

чап томонга П-симон шакл уланган. Ундан ўнгроқда Х-симон белги. Бу чизгилар тўпи бизнингча рамзий маъно жамоаси тураржойининг шартли тасвири, деб қабул қилинса, чизиқ остида шу жамоа фойдаланадига ер майдони маъносига эга дейиш мумкин. Қоратўбада юқоридаги каби катакларнинг тўрт, беш қаторликлари ҳам борки, буни аниқ ўлчамли деҳқончилик жамоа майдонига ёки уй хўжалик бирлигига ишорат дейиш мумкин. С.П. Толстов ушбу панжарасимон катакларни пиктографик белги, яъни “уй” деб тахмин билдирган [13: 73]. Олимнинг фикрича, Қоратўба чизгиларидаги бир қатор белгиларни Хараппа маданиятига даврига хос протохинд ёзуви белгилари билан қиёс қилиш мумкин [3: 26–27]. Бундан ташқари, С.П.Толстов Қоратўба қоятош чизгиларининг айрим аналогларини Олд Осиё, Ўрта шарқ (протоэлам), илк хетт иероглифлари, Узоқ Шарқда илк хитой ёзуви босқичларида ҳам учратиш мумкин, деб қайд этади [13: 73].

Қоратўба қоясидаги чизмалар орасида ҳарфли ёзувга ўхшаш еттита белги ажралиб туради. Буни Финикия (Канъон) ёзувидан орамий ёзуви ажралиб чиққан дастлабки даврлардаги лапидар, яъни ҳарф бирликлари уланмайдиган эпиграфик битик деб ҳисоблаш мумкин [Қаранг: 1-илова]. Афтидан, бу ҳарфий белгилар чизмалар орасида хронологик маънода умумий мажмуага нисбатан кейингироқ даврга хос. Бу ҳарфий белгилар қаторида орамий ҳарфлари тизимидаги ***гимал, йот, коф*** ёки ***ро, тау, нун*** кабиларни таниш мумкин. Улар, бизнингча, муайян шартли белгилардир. Орада такрорланувчи белгилар ҳам учраши битикларни дастлабки ёзув деб ҳисоблашга асос бергандек туюлади. Қолаверса, ушбу битик белгиларининг айримлари Қозоғистоннинг Алмати шаҳри яқинида очилган, “Иссиқ” деб ном берилган қўрғон типидаги қабрдан топилган кумуш идиш сиртидаги битик белгиларига ўхшаш чизгиларга ҳам эга [2: 71–73].

Хоразмда ёзувнинг алифбели ҳарф-товуш, фонетик босқичи мил. авв. IV–III асрлардан бошланган. Ойбуйирқалъа номли археологик ёдгорликдан топилган сопол парчасидаги ёзув ҳозирча хоразмий алифбели ёзувнинг энг қадимги намунаси деб ҳисобланади [12: 46–48; 11: 42–43]. Фонетик ёзув босқичига кириш аввалги ёзув яратишга қаратилган уринишларга чек қўйиб, мазкур илк босқичнинг ёзув чизмалари унутилишига олиб келган. Чунки янги алифбе, ҳар бир ҳарф муайян бир нутқ товушига тўғри келишига асосланган эди. Бинобарин, ёзув инсон нутқининг энг биринчи унсурини, яъни нутқ товушини тушуниш каби муҳим эмпирик ва назарий хулосага таянган буюк кашфиётдир [15].

Бевосита Хоразм воҳаси ҳудудларидан Қўйқирилган қалъа, Қалъали қир 2, Говур қалъа 3, Бурли қалъа, Хумбузтепа, Якка Порсон, Миздаҳкан каби археологик ёдгорликларни қазиб ўрганиш давомида топилган

хоразмий ёзувнинг кўплаб намуналари бу воҳанинг қадимий ёзув маданияти ҳақида аниқ тасаввур беради [6: 59–96].

Араб истилосигача ёзув маданияти соҳасида эришилган юксак даража ҳақида, араблар томонидан унинг йўқ қилингани ҳақида Абу Райҳон Беруний (973–1048) ачиниш билан бундай сўзларни ёзиб қолдирган: “Қутайба хоразмликларнинг ёзувини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган, билимини ўзгаларга ўргата оладиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилган эди. Шу сабабли ... ҳақиқат билиб бўлмас даражада яширин қолди... Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг котибларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолдилар. Ўз эҳтиёжларида хотира қувватига суянадиган бўлдилар...” [1]. Чиндан ҳам қадимги хоразмий ёзувида бутун ҳолда етиб келган бирорта китобат ёдгорлиги йўқ. Маълум ёдгорликлар эса, ёғоч тахтачалар, таёқчалар, тери, сопол буюмлар ёки уларнинг синиқ парчалари, майитларнинг этдан тозаланган устихонлари солиб қўйиладиган астодонлар сиртига битилган эпиграфик битиклар, қадимий иморатларнинг деворларида сақланган ёзувлардан иборат [9: 91–99].

Хоразмий ёзувнинг қадимий тангаларда етиб келган шакли палеографик маънода махсус тадқиқот объекти бўлмоғи лозим. Чунки бу ёзувлар танга матрицаларига кўзгудаги акс усули билан ўйиб туширилган. Натижада, ҳарф белгиларининг шакли қўлёзма ёки эпиграфик чизгилардан фарқли кўриниш касб этади. Бу ёзувларнинг ахборий аҳамияти ҳам катта. Улардаги сулолавий сиёсий маълумотлар, ономастик хабарлар тарих учун муҳимдир [Қаранг: *2, 5-иловалар*].

Миздаҳкан, Тўққалъа каби ёдгорликларидан топилган кўплаб астодонларнинг сиртларида хоразмий ёзувининг ўзига хос эпитафий битиклари етиб келган. Уларда асосан антропонимларни ўқиш мумкин. Ёзувнинг хусусияти архаик. Хусусан, Тупроққалъа ҳужжатларидаги каби равон хат усулида эмас. Миздаҳкан астодонларидаги ёзуви нисбатан равон ва югурук туслики, бу мажмуа Тўққалъадан хронологик жиҳатдан ёшроқ деб баҳоланиши мумкин [9: 91–99].

Хоразмий ёзув ёдгорликларининг энг йирик гуруҳи Тупроққалъа архиви номи билан машҳур. Архив таркибидан 8та чармга битилган ҳужжат парчалари сақлаган [Қаранг: *3-илова*]. Булардан ташқари, бир қанча чарм юзасидаги ҳужжат ўрамлари шаклида хумда сақланган экан. Хум эса иморат вайрон бўлган пайтда тупроқ билан тўлган. Ўрамлар орасига кирган тупроқ намлик таъсирида лойга айланган. Чарм эса чирий бошлаган. Унинг юзасидаги ёзув излари лой қабати юзасига сингган ҳолда сақланган. Тупроққалъа қазишмалари давомида шартли равишда 90-рақам билан

белгиланган хонада шу каби ёзув акси сингиб қолган кесак бўлакларидан 18 таси, 93-хона харобаларидан 17 та ёзув қолдиқлари сингиб қолган кесак парчалари топилган. Бу каби йирик парчалардан ташқари мингга яқин майда кесак парчаларида битта-иккита, баъзан учта ҳарф қолдиғи сақланган ҳоллари ҳам мавжуд. Уларни кўзгу орқали ўнглаб ўқишга ҳаракат қилинган. Кесак парчалари юзасидаги ушбу ёзувлар шартли равишда “Г” (яъни, глина “лой”) туркуми деб белгиланган [7: 251–252]. Кесак парчаларидаги ёзувлардан маъно боғликлигидаги парчаларни бир-бири билан боғлаб йиғиш мураккаб ва умуман, археология ҳамда палеография тарихида илгари учрамаган ноёб операцияга айланган. Бунинг устига, кесак парчаларида ёзув икки ёқлама бўлиб чиққанки, бу чириб битган чарм ўраминнг бир-бири билан боғлиқ бўлмаган сатрларини акс эттирган. Натижада, ёзув қолдиғи ўқилган тақдирда ҳам ҳужжат мазмунини тиклашда мураккаблик сақланаверади. Шу сабабли лой (кесак) парчаларидаги ёзув қолдиқлари асосида тугал маъноли ҳужжат матнларини тиклаш деярли мумкин бўлмади. Лой (кесак) парчаларида излари қолган чарм ҳужжатлар сони аслида қанча бўлганини аниқ айтиш қийин.

Юқорида қайд этилган 8 дона чарм юзасидаги ҳужжат парчалари матни нисбатан сақланиб қолгани туфайли қимматли ёдгорлик сифатида алоҳида ўрганилган [7: 253–265]. Чарм парчаларидаги ҳужжатлар шартли равишда К (кожа - чарм) ҳарфи билан К-1, К-2, К-3…К-8 деб белгиланган. Улардаги ёзувларни илк бора С.П. Толстов ўқишга ҳаракат қилган. Дастлаб ўқилган сўзлардан бири *BŠNT* бўлиб, бу орамийча гетерограмма деб топилган [7: 253]. Яъни “йил”, фалон йили деган маънони билдириб, муҳим бир йўлни очиб берган. *BŠNT* сўзи чармдаги ҳужжатларнинг санаси ҳақида маълумот дастагини тадқиқотчи қўлига тутқазгандек бўлган. Шу каби *BŠNT* сўзи билан бошланувчи ҳужжатларда рақам билан кўрсатилган саналардан 188, 204, 207 ёки 209, 223, 231, 252 каби йиллар Қадимда Хоразмда амал қилган маҳаллий йил ҳисобига, яъни хоразм эрасига тегишли саналар бўлиб чиқди. В.А. Лившиц (1946–2013)нинг фикрича, Хоразм эрасининг биринчи йили ҳозирги амалдаги милодий эранинг 10–30 йиллари орасдаги бир йилдан бошланган. Шундан келиб чиқиб, чарм парчаларидаги хоразмий ҳужжатларнинг санаси милодий III асрга тўғри келади [22: 440].

Чарм парчаларидаги ҳужжатлардан К-1 айрим шахслар томонидан давлат омборхонасига топширилган махсулотлар рўйхати деб тушунилган. Ҳужжатнинг сақланиш ҳолати ўта ночор. Мсалан, 1-қаторда *MN* “дан” сўзи, 2-қаторда *X III SMYD’* “ун”, 3-қаторда яна MN ... br [… “дан ...келтирди” ва ҳоказо. Кейинги қаторларда шу каби “Фалон куни, фалонча шунча миқдорда ун келтирди” каби маълумотлар жами бўлиб 20 қатордан жой олган [7: 255–256].

Парчадаги *SMYD* сўзи Парфиянинг Ниса харобаларидан топилган архив ҳужжатларида ҳам орамийча “ун” маъносида учраган [7: 253–254].

Бу ҳужжатда Кундака, Марғва, Абғупарн, Нерса, Рихимак ва бошқа бир қанча шахс исмлари қайд этилган. Булар тарихий ономастика, хусусан, антропонимика учун қизиқарли манба бўлиши мумкин.

К-2 рақамли ҳужжатнинг бошланишидан 4 қатори сақланган. Ундаги тарихий сана 231 йил деб кўрсатилган. “231 йилда Друк Парғартав (ўғли)га Ширартавдан 10 (дона) ғилдирак(?) [етказиб берилди]” [7: 260]. Бу каби талқин бир қатор тахминга асосланган. Чунки Друк сўзи “Авеста”да “ёғоч, дарахт” маъносига эга. Шахснинг исми балки лақаб исмдир? Ғилдирак масаласи Хоразм учун тасодифий эмас. Маълумки, ҳозирга қадар, Хоразм гужум, қайрағоч дарахти билан машҳур. Бу дарахт қаттиқ ва чидамли ёғоч беради. Айни шу дарахт ёғочидан арава ва унинг ғилдиракларини ясаш қадимдан Хоразм учун анъана ҳисобланади. Шу туфайли ғилдирак ясовчи устага солиқ ҳисобидан давлатга ғилдирак етиштириш мажбурияти юкланган бўлса керак.

Чармдаги ҳужжатларда турли маҳсулотлар қаторида ёғ, май, сопол буюм кабилар қайд этилган. *Пармтар* атамаси назоратчи, хўжалик бошлиғи маъносини билдирган. Бу атама суғд ҳужжатларида прамандар шаклида учрайди. Ёғоч тахтачалар, таёқчаларга ёзилган ҳужжатларнинг аксарияти оилавий рўйхатлар. Уларда қадимги Хоразмнинг ижтимоий ҳолатига бевосита даҳлдор маълумотлар акс этган. Орамийча ‘BD – “қул”, BYT – “уй, хонадон”, ‘NTTYH – “хотин” , BRY – “ўғил”, BRTYH – “қиз” ва бошқалар рўйхатларда уларга тегишли қулларнинг номлари билан бирга берилган. Рўйхатларда *‘ғд* атамаси рўйхатга биринчи бора киритилган оила аъзоси маъносида ишлатилган. Демак, ёғоч ва тахтачалардаги рўйхатлар аҳолининг йиллик рўйхатлари бўлиб, ижтимоий меҳнат мажбуриятларини ташкил қилишда муҳим роль ўйнаган [7: 265–267; *Қаранг: 4-илова*].

Ночор аҳволда етиб келганига қарамай, хоразмий ёзув ёдгорликлари XX асрнинг қарийб 70 йили давомида ва XXI асрнинг бугунги кунигача тадқиқотчилар диққатини тортиб келмоқда. Ўнлаб Европа ва Россия олимлари хоразмий ёзув ёдгорликларининг тили, палеографик хусусиятлари, лексикаси, тарихий манба сифатидаги аҳамияти каби масалалар билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борганлар [20; 23; 24; 13; 7-11; 6].

Хоразмий ёзуви тарихини пиктографик илк даврдан ташқари икки босқичга бўлиб қараш лозим. Биринчи босқич мил. авв. IV–II асрлардан мил. VIII–IX аср бошларигача илк хоразмий алифбели ёзув босқичидир. Иккинчи босқич IX–X асрдан XIV аср бошларигача даврни ўз ичига олган араб алифбеси графикасидан ўзлаштирилган ёзувдир.

Хоразмий ҳарф-товуш ёзув белгиларининг биринчи босқичи генетик жиҳатдан орамий ёзуви заминида пайдо бўлган. Унинг алифбеси орамий прототип алифбедаги каби 22 ҳарф асосига қурилган. Лекин орамий алифбесининг *цадде* ҳарфи хоразмий алифбесида йўқ. Орамийча ‘*айн, қоф, тет(итқи)* ҳарфлари хоразмий матнларида фақат орамийча сўз сигнал вазифасини ўтовчи гетерограммаларда ишлатилган. Матнни ўқишда бу каби гетерограммалар хоразмий тилдги сўз билан алмаштириб ўқилган. Ҳарфлар асосан ундош товушларни ифодалаш учун хизмат қилган. Қисқа унлилар ёзувда ифодаланмаган. Чўзиқ унлилар *вов, йот, алиф* ҳарфлари ёрдамида берилган. *Шин* ҳарфи икки вазифада, гоҳ *ш* учун, гоҳ *ч* учун ишлатилган. Бу амалда сўзнинг маъносига қараб аниқланган [6: 70-76].

Аҳмонийлар сулоласи ҳукмронлик қилган қадимги Эрон салтанати (мил. авв. 559–330 йй.) Марказий Осиёнинг катта қисмини ўзига тобе қилган. Ўша даврда улкан салтанатнинг ёзувга бўлган эҳтиёжини Месопотамиядан ўзлаштирилган понасимон белгиларнинг турли комбинациялари шаклидаги, фақат хотирот (монументал) мақсаддаги битикларга хизмат қилган мураккаб ёзув билан қаноатлантириш қийин эди. Шу сабабли, Эрон слтанатининг маъмурий иш бошқаруви сомий халқлардан бўлмиш орамийларнинг 22 ҳарфдан иборат ёзувини расмий ёзув сифатида жорий этиш йўлидан борди. Қолаверса, орамий халқи ҳам Куруш (Кир) ва Камбужя (Камбиз) подшолик қилган даврда Эронга тобе қилинган эди.

Давлат маҳкамаларида дастлаб барча ҳужжатчилик ишлари орамий котиблари томонидан орамий тилида олиб борилган. Тузилган ҳужжатлар Эрон маъмурларига оғзаки таржима орқали тасдиқлаттирилган. Бу каби иш усули Эрон салтанатининг барча сатрапликларида амал қилган. Вақт ўтгани сари орамий ҳаттотлар камайиб, уларнинг ўрнини маҳаллий котиблар эгаллай бошлаган. Уларнинг аксарияти энди орамий тилини билмайдиганлар эди. Натижада, маҳаллий котиблар орамий ёзуви ҳарфлари билан ўз тилларида ҳужжат тузиш амалиётини йўлга қўя бошлаганлар. Шу йўл билан Марказий Осиёда парфиёний, хоразмий, суғдий, бохтарий, ўрта форс – паҳлавий, кейинроқ эса монийвий, сурёний, кхароштхи ёзувлари пайдо бўлган. Суғдий ёзувнинг югурик варианти асосида туркий (уйғур), мўғул ва бошқа ёзувлар яратилган [4: 3–21]. Ўрхун-Енисей, яъни қадимги туркий ёзув алифбесининг ҳам генезиси орамий ёзувига суғдий, хоразмий, парфиёний ёзувлари тажрибалари орқали боғланиб кетган [19: 70-78; 8: 23–39; 6: 59–96].

XX асрнинг 30-йилларидан бошланган археологик ва этнографик тадқиқотлар қадимги хоразмий ёзувнинг кўплаб ёдгорликларини топиб, тадқиқотлар доирасига олиб кирган. Булардан ташқари, Хоразм воҳасидан четда турли архелогик объектларда бир қатор кумуш ва бошқа металл

буюмларда сақланган хоразмий ёзувнинг эпиграфик ёдгорликлари ҳам мавжуд ва улар илмий нашрлар орқали фанда маълум [14; 10].

Хоразмий алифбели ёзувнинг ҳарфлар қатори ***алиф, аъйн, бе, ғайн, дол, ҳо, вов, зайн, хет, тет, йой, коф, лом, мим, нун, син, пе, qof, реш, шин, тау*** лардан иборат [*Қаранг: 1-илова*]. Булардан ***аъйн*** ва ***қоф*** ҳарфлари хоразмий матнларида фақат орамийча идеограммаларда ишлатилган Ҳарфларнинг чизма шакллари, индивидуал хатнинг турли-туманлигидан қатъий назар, парфёний, суғдий алифбе шаклларидан кўра мустақил ривожланган. Бунга Хоразм минтақасининг географик ўрни бошқа воҳалардан ажралиб тургани сабаб бўлса керак.

Хоразмий ёзувнинг иккинчи босқичи араб алифбеси асосида шаклланган ва қуйидаги ҳарфлар қаторидан иборат бўлган:

ا ب پ ت ث ج چ ح خ د ذ ر ز ژ س ص ش ض ط ظ ع غ ف ق ك ل م ن و ھ ی


Бу қаторда соф арабий ҳарфларнинг бир нечаси диакритик қўшимчалар билан ўзгартирилган ва ўз навбатида, бу хоразмий ёзувнинг араб графикаси жиддий равишда хоразмий тил фонетик тизимининг талабларидан келиб чиққан тарзда ижодий ёндошув натижасидир [14; 18: 5–59].

Хоразмий тили талабларига юқоридаги белгилар тизими етарли бўлмаган. Натижада, дол ва реш ҳарфларининг тагига нуқта қўйилган [ډ ڕ] вариантлари, син ҳарфининг тагида учта нуқтали шакли [ﺵ], юмшоқ ҳ [ح] ҳарфининг устида учта нуқтали хили [څ], ф [ف] ҳарфининг учта нуқталиги [ڤ] каби ҳарфлар трансформацияси, уларнинг функционал хусусиятларини чуқур тушуниш орқали ёзув маданияти ҳодисаси сифатида қаралиши мумкин. Ушбу диакретик воситаларнинг фонетик мазмуни ҳақидаги фикрлар бахсли бўлиб келган. Шунга қарамай, хоразмий тилнинг қиёсий тарихий фонетик ва фонологик тадқиқотлари натижасида мазкур қўшимча белгиларнинг товуш ифодалари ҳақида нисбатан ишончли янги фикрлар пайдо бўлмоқда. Масалан, остида нуқтали ***дол*** ҳарфи соф д товушини эмас унинг позицион вариантини, яъни th [δ], остида нуқтали ***реш*** эса, ***р*** товушининг горизонтал орқага сурилган талаффузли вариантини ифодалаган. [څ] ҳарфи қоришиқ ***ц*** товушини ёки унинг жарангли ***дз аллофонини***, [ڤ] ҳарфи лаб-лаб ***[β] товушини,*** баъзан лаб-лаб ***ф*** ни ифодалаган. Бундан ташқари, хоразмий ёзуви унли товушларнинг чўзиқ ва қисқалик қарама-қаршилиги асосида а/ā, і/ī, ӣ/ē/е/ə, ō/ū, у/ў, чўзиқлари учун ***алеф, вав, уой*** ҳарфларидан фойдаланиш амалиётидан ҳам тўла хабардор. Масаланинг бу томони қадимги хоразмий ёзув амалиётининг чуқур анъанаси бўлгани ва орфографик меъёрларининг филологик замини яхши ривожланганидан далолатдир.

ИЛОВАЛАР

1-илова

Канъоний, орамий, хоразмий алифбелари қиёси




2-илова

Хоразмий ёзувида хонадон аҳли рўйхати



3-илова

Чарм парчасида етиб келган хоразмий ҳужжати




4-илова

Тахтача юзасида хоразмий аҳоли жон рўйхати



5-илова

Тангаларида хоразмий ёзувли ривоят намуналари



Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / Араб тилидан таржима А. Расуловники. Изоҳлар И. Абдуллаев, А. Расуловники. Т. I. Ташкент, 1968.
2. Акишев К. Курган Иссык. Москва, 1977.
3. Грозный Б. Протоиндийские письмена и их расшифровка // Вестник древней истории. 1940. №2. С.26-27.
4. Дьяконов И.М. О гетерограммах / Переднеазиатский сборник. Москва, 1983. С. 3–21.
5. Истрин В.А. Развитие письма. Москва, 1961. С. 69–71.
6. Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Ташкент, 2008. С. 59–96.

7. Лившиц В.А. Глава шестая. Документы / В книге: Топрак-кала. Дворец. Москва, 1984. С. 251–301.
8. Лившиц В.А. К вопросу о происхождении древнетюркского рунического алфавита / Советская тюркология. 1978. № 3. С. 23–39.
9. Лившиц В.А. Надписи на оссуариях / Приложение к книге Ягодина В.Н., Ходжаёва Т.К. Миздахкан. Ташкент, 1977. С. 91–99.
10. Лившиц В.А., Луконин В.Г. Среднеперсидские и согдийские надписи на серебряных сосудах // Вестник древней истории. 1964. № 3.
11. Лившиц В.А., Мамбетуллаев М.М. Памятники истории и культуры Востока. Москва, 1986.
12. Мамбетуллаев М. Хум с городища Большая Айбуйиркала с древнейшей надписью в Средней Азии // Вестник Каракалпакского филиала АН УЗ. 1979. № 1(75). С.46–48.
13. Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва, 1948. С. 71–76.
14. Фрейман А.А. Хорезмийский язык. Москва, 1951.
15. Фридрих И. История письма. Москва, 1979.
16. Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда / Масъул муҳаррир: Д. Алимова. Тошкент–Ургенч, 2019. Б. 19–25.
17. Хорезм в истории государственности Узбекистана / Авторский коллектив. Отв. ред. Д. Алимова. Ташкент, 2013. С. 45–48.
18. Эдельман Дж. И. Хорезмийский язык / В книге: Основы иранского языкознания. Среднеиранские и новоиранские языки. Москва, 2011. С. 5–59.
19. Clauson D. The origin of the Turkish “runikc” alphabet // Acta orientalia. 1970. P. 70–78.
20. Henning W.B. The Chorezmian dokuments. Asia Major. Neu series. London, 1965. Vol. XI, part 2. P. 168–190.
21. Hrozny B. Inshriften und Kultur der Proto-Inder von Mohenjo-Daro und Harappa // “Archiv orientální”. Praha, 1941. § 12. Ss. 192–259 (по И.Фридрих. История письма. Москва, 1979. С.78)
22. Livshits V.A. The Khwarezmian calendar and the eras of Ancient Chorasmia / Acta Antiqua Academiae scientiarum Hungaricae. T. XVI. 1968. P. 440–456.
23. MacKenzie D.N. The Khorezmian Glossary // Bulletin of the School of Oriental and African Studies (BSOAS) / Vol. XXXIII. London, 1970.
24. MacKenzie D.N. The Khorezmian Glossary // Bulletin of the School of Oriental and African Studies (BSOAS). Vol. XXXIV. London, 1971.
25. Marquart I. Wehrut und Arang. Leyden, 1938.

М. Исҳоқов

Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида

Қадимги Хоразм воҳасига ўзига хос цивилизацион макон сифатида қаралади. Бу ўлкада ўзига хос мураккаб суғорма деҳқончилик маданияти ташкилий маънода ижтимоий уюштирувчи омилга айланган. Давлатчилик жараёнлари мулкий муносабатлар ривожи заминида эртароқ бошланган. Жадал ривожланиб борган мулкий муносабатлар давлатчилик унсурларининг эртароқ куртак беришига олиб келганки, бу ҳолат ёзувга бўлган эҳтиёжни юзага келтирган. Қолаверса, мил. авв. I мингйилликнинг иккинчи чорагидан бошлаб Хоразмда дастлабки йирик ва кичик кўламдаги шаҳарсозлик, шаҳарга хос ҳунармандчилик хўжалик усуллари ва турмуш тарзи унсурлари пайдо бўла бошлади. Булардан ташқари, қадимги Хоразм кенг маънода улкан Евросиё минтақалари, Шарқий Европа, жанубда Эрон ва бошқа ўрта Шарқ минтақаси маданий ўлкалари, Шарқда эса Хитойгача бўлган улкан ҳудудлар билан ҳар томонлама алоқалар чизиғида жойлашган эди.

“Тан шу” номли хитой йилномасида хоразмий савдогарларнинг шарқий йўналиш бўйича олиб борган фаолиятлари ҳақида маълумот келтирилар экан, уларнинг ҳўкиз қўшилган араваларда узоқ масофаларга савдо сафарларини ҳеч қийинчиликсиз амалга оширишлари хос фазилат сифатида қайд этилган. Шу каби интенсив ички ҳаёт ва кенг кўламли ташқи муносабатлар тубжой ёзувини яратишга қаратилган ҳаракатларнинг дастлабки куртакларини мил. авв. I мингйилликнинг ўрталарида кўриш мумкин. Бу ёзув босқичи Хоразмнинг Аҳмонийлар Эронига тобе бўлиши ҳамда марказий ва маҳаллий сатрапликларда орамий ёзув маҳкамачилиги жорий этилиши сабабли тўхтаб қолган. Бироқ Хоразмнинг сепаратив ҳаракати ва тез орада Аҳмонийларга тобелиги тугаб, мустақил бўлгани сабабли, консонант алифбелик хусусиятини сақлаган орамий ёзувини маҳаллий хоразмий тили фонетикаси талабларига мосланган ислоҳи бошланди. Мил. авв. I мингйилликнинг IV–III асрларидаёқ Хоразм ўзининг мустақил ёзувига эга эди. Бу ёзув асрлар давомида то араб истилоси даврида котиблару китоблар, барча ёзувлар йўқ қилинмагунича, саводлилар қириб ташланиб, араб ёзуви жорий этилишига қадар амал қилди. Шу туфайли қадимги хоразмий ёзув ёдгорликлари жуда кам ва ўта ночор ҳолда етиб келган.

Хоразмликлар қадимий ва бой ёзув маданияти тажрибаси билан араб ёзувининг алифбе таркиби орамий *а, б, г, д*... тизимига асосланишини тез тушуниб етганлар ҳамда бу ёзув ҳарфларини ўз тиллари талабига мослаб ислоҳ қилишга эришганлар.

Калит сўзлар: *Хоразм воҳаси, Қуйи Амударё, фонетик ёзув, алифбе, ҳарф-товуш чизма белгилар тизими, автохтон ёзув, Аҳмонийлар Эрони, орамий ёзуви, маҳаллий тилга мослаштириш, ёзув маданияти, хоразмий ёзуви, араб истилоси, араб ёзуви, ислоҳот, араб ёзувини мослаштириш.*

М. Исхаков

О хорезмийской письменности и письменной культуре древнего Хорезма

Древний хорезмийский оазис рассматривается как особая цивилизационная среда, отличающаяся некоторыми свойствами от других областей Средней Азии. Сложившееся рано орошаемое земледелие в оазисе превратилось в организующий социально-экономический фактор, объединяющий вокруг начавшегося сложения процесса государственности. На базе быстрого роста имущественных отношений рано начали развиваться элементы государственности, что в свою очередь, сделало необходимым создание письменности. Настоящая статья ставит целью ознакомить читателя с историей сложения письменности и письменной культуры в Древнем Хорезме.

Уже во второй четверти I тысячелетия до н.э. в оазисе намечаются элементы градостроительства и городского образа жизни с сосредоточением ремесленнического производственного хозяйства. Кроме того, Древний Хорезм имел тесные связи с восточной Европой, номадической степью Евразии, на юге с Ираном. На востоке Хорезм всячески искал пути торгово-экономических отношений с Китаем, о чем свидетельствует сообщение «Тан шу», где говорится о формировании хорезмийских торговых караванов на телегах, запряженных волами, для которых были не страшны расстояния.

Внутренняя жизнь и внешние отношения Хорезма привели к быстрому развитию письменности, первые попытки создания которой на самостоятельных местных основах, наблюдаются уже в середине I тысячелетия до н.э. Однако, временное зависимое положение Хорезма от Ахеменидского царства древнего Ирана, приостановило развитие местного письма до совершенства. Принятое официально в ахеменидской канцелярии арамейское письмо получило распространение и в Хорезме. Но оно не удержалось здесь долго в своем статусе государственног письма. Сепаратистские тенденции Хорезма и раннее его отделение от Ахеменидского Ирана способствовали быстрому реформированию письма, подстроенного под фонетическую систему хорезмийского языка. Так, хорезмийское письмо, продолжая орфографические принципы

консонантного арамейского письма, большинство буквенных знаков функционально приспособило фонетическим единицам хорезмийского языка. В течение веков это письмо успешно служило хорезмийскому обществу, пока не случилось арабское завоевание Хорезма, установление запрета на пользование местного письма и внедрение арабского письма. Тем временем, на основе многовекового опыта письменной культуры, используя традиционность структуры алфавита, базировавшегося на системе а, б, г, д…, жители древнего Хорезма быстро усвоили и арабское письмо, также приспособив своему языку.

Ключевые слова: *Хорезмский оазис, низовья Амударьи, алфавит, буквенно-фонетические графические знаки, автохтонное письмо, ахеменидский Иран, арамейское письмо, приспособление письма, местный язык, письменная культура, хорезмское письмо, арабское письмо, реформа письма.*

M. Iskhakov

About the Khwarazmian writing and written culture of ancient Khwarazm

The ancient Khwarazmian oasis is considered to be exceptional due to its some properties different from other areas of Central Asia. The development of the irrigated agriculture in the oasis became an organizing socio-economic factor that united its surroundings in the early formation of statehood. The rapid growth of property relations advanced the development of statehood, which in turn necessitated the creation of writing. This article aims to familiarize the reader with the history of writing and written culture in ancient Khwarazm.

Already in the second quarter of the 1st millennium BC, one can notice the elements of urban development and urban lifestyle with the concentration of artisan production in the oasis. In addition, ancient Khwarazm had close ties with eastern Europe, the nomadic steppe of Eurasia and Persia in the south. In the east, Khwarazm developed trade and economic relations with China as noted in the "Tan-shu" report referring to the construction of Khwarazm's trade caravans on carts drawn by oxen, which were praised for their ability to endure long distance with ease. The internal life and external relations of Khwarazm led to the rapid development of writing. The first attempts to create the local system of writing were already made in the middle of the 1st millennium BC. However, the temporary dependency of Khwarazm from the Achaemenid kingdom of ancient Iran postponed the further development of the local writing system. The Aramaic alphabet officially adopted by the Achaemenid officials was also used in Khwarazm, but it did not last long as an official writing system in the region.

Khwarazm's independence from Achaemenid Iran contributed to the speedy development of the writing system that was tailored to the phonetic system of the Khwarazm language. Despite being based on the spelling principles of the Aramaic alphabet, most of the alphabetic characters of the Khwarazmian writing system functionally adapted to the phonetic units of the Khwarazmian language. Thus, this writing system successfully served the Khwarazmian society until the Arab conquest of Khwarazm, after which the Arabic alphabet was introduced. Meanwhile, the local population of ancient Khwarazm quickly learned the Arabic script adapting it to their language.

Keywords: *Khwarazmian oasis, lower reaches of Amu Darya, alphabet, alphabetic-phonetic graphic signs, autochthonous letter, Achaemenid Iran, Aramaic alphabet, local language, written culture, Khwarazmian letter, Arabic alphabet, reform of the letter, Zamakhshari*.